



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 29 август, № 169 (5589)

Чоршанба

ТАҚДИРИМсан, БАХТИМсан, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Саховат

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллик шодиёналари тобора яқинлашаётган шу кунларда юрдошларимизнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, уларнинг байрамона қувончига шерик бўласиз. Уларнинг юз-кўзларидаги бугунги дориламон кунларимиздан мамнунлик, эртаимизга бўлган ишонч ҳиссидан кўнглингизга нур инеди. Айниқса, деҳқон бозорларида бўлган кишининг бу ердаги файзу барака, мўл-кўлчиликни кўриб, қулфи-дили очилиб кетади.

Дарҳақиқат, бозор расталари бугун фермеру соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган нозу неъматлар билан тўла. Сархил мева, полиз ва сабзавот, картошка, гўшт, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг сероблигини, нарҳининг эса арзонлигини айтмайсизми?! Жонажон Ўзбекистонимизда ҳукм сураётган бундай маъмурчилик, тинчлик ва тотувлик мустақиллик шарофати, истиқлол берган бебаҳо неъмат эканлигини бугун ҳар биримиз чуқур англаб турибмиз.



Ватанимиз мустақиллигининг қутлуг айёми муносабати билан мамлакатимизнинг барча хуудларида ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирларда халқимизга хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик фазилатлари, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровонлик ёрқин намоён бўлмоқда.



БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси, “Меҳр нури” жамоат жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида Сурхондарё вилоятида ташкил этилган “Ёшлар форуми”, учрашув ва “1000 та суннат ва 1000 та никоҳ тўйлари” хайрия акцияси ана шундай тадбирлар сирасига қиради.

Термиз давлат университети янги биносидан бўлиб ўтган “Ёшлар форуми”да “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, иқтидорли ёшлар, “Келажақ овози” танлови жамоатчилик кенгаши аъзолари ва унинг голиблари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда ёш авлоди баркамол, соғлом этиб вояга етказиш, истеъдодли, изланувчан йигит-қизларнинг ўз салоҳиятини кенг намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда энг олис, чекка хуудларда ҳам барча шароитларга эга таълим, тиббиёт ва болалар спортини иншоотлари барпо этилиб, замонавий усулда жиҳозланаётган. Аъёнаний тарзда ўтказилаётган “Келажақ овози” республика танлови ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантириш, уларнинг энг яхши гоё ва лойиҳаларини ҳаётга кенг жорий этишга хизмат қилмоқда. Ўтган йилларда Сурхондарё вилоятидан ҳам кўплаб ёшлар ушбу нуфузли танловнинг мамлакат босқичида голиб чиқиб, муносиб тақдирланди.

Жорий йилда кўрик-танловнинг шаҳар, туман саралаш босқичларида 5 минг 377 нафар йигит-қиз ўзларининг турли лойиҳа ва ишланмалари билан иштирок этиб, 1 минг 430 нафар ёшлар вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Улардан 41 нафари танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Форум доирасида “Келажақ овози” республика танлови вилоят босқичининг архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, техник лойиҳалар, ишланмалар ва рационализаторлик таклифлари, аъёнаний ва амалий санъат, адабиёт, публицистика йўналишлари бўйича голиблари муносиб тақдирланди.

— Танловнинг вилоят босқичида публицистика йўналишидаги изланишларим юқори баҳоланганидан жуда мамнунман, — дейди Термиз давлат университети табиат-география факультети ўқитувчиси бўлган аҳамиятлидир. Айни пайтда Сурхондарё вилоятининг экологик ҳаритасини яратиш бўйича олиб бормоқдаман. Бу лойиҳа воҳда экологик ҳолатни янада яхшилаш ва атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга хизмат қилади.

“Suxon Termiz Silk” хусусий корхонасининг тўқувчилик фабрикасида бўлиб ўтган учрашув “Ўзбекистон ижтимоий масъулятли фуқаролари форуми” яқинда мамлакатимиз пойтахтида ўтказган кенгайтирилган мажлисининг маърузаси довоми бўлди. Унда Ўзбекистонда пиллачиликнинг бугунги аҳволи, пилла ишлаб чиқариш имкониятлари, соҳани ривожлантириш истиқболлари атрофида муҳокама этилиб, бу борада иштирокчиларнинг мувожаати қабул қилинган эди.

Хоржийнинг замонавий усқуналари билан жиҳозланган корхонага ташриф пиллачилик соҳасининг аҳоли билан яқиндан танишиш, “Ўзбекистон ижтимоий масъулятли фуқаролари форуми” вакиллари ва хом ашёни қайта ишловчилар ўртасида тажриба алмашиш ҳамда истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш учун қўлай имконият яратди.

Она замин ноз-неъматлари

элимиз дастурхонига файзу барака киритмоқда

Энг улуг, энг эзиз байрамни муносиб қутиб олишга тараддуд кўраётган халқимизга янада кенг қўлайлик яратиш, аҳолини сифатли ва арзон кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида жойларда савдо-ярмаркалари ташкил этилгани айни мuddа бўлди. Бу деҳқон ва фермерларнинг республикамиз аҳолисига ўзига хос байрам тўғрисида.

“Тошбозорсавдо” уюшмасидан маълум қилишларича, айни пайтда Тошкент шаҳридаги барча деҳқон бозорлари ва уларнинг йирик шохбчаларида савдо-ярмаркалари фаолият кўрсатаёпти. Ярмарка иштирокчилари савдо расталари, тош-тарозилар, совуқчилик витрина ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бу эса харидорларга сифатли хизмат кўрсатишда қўл келаётган.

...Пойтахтимиздаги “Юнусобод деҳқон бозори” очик акциядорлик жамиятида ташкил этилган савдо-ярмаркаси эрта тондан одамлар билан гавжум. Расталар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла. Картошка, сабзи, пиёз, помидор,

узум, олма, шафтоли, гўшт, гуруч, тухум... Хуллас, рўзгор учун неки зарур бўлса, бари муҳайё. Бу неъматлар Фарғона, Жиззах ва Тошкент вилоятидаги фермер хўжаликлари ва кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тақдим этилаётган.

— Байрам олди савдо-ярмаркасида пойтахтимиз аҳолисига турт минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилганмиз, — дейди Фарғона вилояти бозорлар уюшмаси раиси Одилжон Тошболтаев. — Шу мақ-

садда бу ердан ташқари, “Олой” ва “Қорақамиш” деҳқон бозорларига кунига ўнлаб тонна маҳсулот олиб келинаёпти. Бугунги кунга қадар эса 300 тоннадан ортиқ маҳсулот сотилди.

Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳали картошка, ҳали пиёз тортади. Кимдир гуруч, бошқаси гўшт сурайдди. Чиройли қилиб териб қўйилган мева-чева растасидан ҳеч қим бекфар ўта олмайдди. Чунки уларнинг нархи бозордагига нисбатан 20-30 фоизгача арзон.

— Бу йил деҳқончилик учун жуда қўлай келди, — дейди Учқўприк туманидаги “Муллаев Мухимжон зиёси” фермер хўжалиги раҳбари Носиржон Мухимов. — Мева-савзавот ҳар доимгидан мўл бўлди. Хўжалигимизда етиштирилган ноз-неъматлардан тошкентликлар ҳам баҳраманд бўлишаётганидан хурсандим. Бугун саккиз тонна маҳсулот олиб келдик. Бундан, айниқса, харидорлар мамнун.

(Давоми 2-бетда).

30 август — «Жалолiddин Мангуберди» ордени таъсис этилган кун



Она юрт эрки ва озодлиги йўлида азиз жонини аямаган, мардлиги, жасурлиги, юксак ақлу заковати билан ном қозongan буюк аждодларимиз фахру ифтихоримиздир.

Мардлик ва ватанпарварлик тимсоли

Шу боис мустақилликнинг илк йилларида Президентимиз ташаббуси билан бой тарихимиз, улуг боболаримиз шахсияти, улар қолдирган бебаҳо меросга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Улар хотираси, миллатимиз эрки ва орномусини асраш йўлидаги эзгу ишлари қадр топди.

Тарихий манбалардан маълумки, Жалолiddин Мангуберди — она-юрт химоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонларимиздан бири. Унинг беқиёс жасоратини англаш учун эса ўша тарихий давр машаққатларини тасаввур қилишнинг ўзи kiffo. Бинобарин, моҳир саркарда йигирма бир ёшида Чингизхон қўшинларини тор-мор этишга муваффақ бўлган. Ўн бир йил давомида мўғулларнинг гарбий ўлкаларга бостириб киришларига тўсқинлик қилган. Ганим олдида бош эрмаган, тиз чўкмаган, Ватан учун жонини ҳам фидо қилишга шай турган.

Бугун истиқлол туйфайли мард, ватанпарвар ва маънавият тенгсиз бобокалонимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йили Жалолiddин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Урганч шаҳрида унинг муаззам ҳайкали қад ростлади. Ва бундан роппа-роса ўн уч йил муқаддам “Жалолiddин Мангуберди” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу юксак орден билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадлари ва она-юрт тупроғини химоя қилишда, уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик, жасорат намунасини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа кудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотландилар.

(Давоми 2-бетда).

Барқарор тараққиёт — кенг кўламли ислохотлар самараси

Мустақилликнинг 21 йили мобайнида юз берган улкан ўзгаришлар, кўлга киритилган ютуқлар, дунё ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлган кенг қамровли ислохотлар барчамизни янги марралар, мақсадлар сари ундамоқда.

Мушоҳада

Ўзбекистон йигирма бир йил муқаддам миллий манфаатлар, ўзбек халқининг урф-одатлари ҳамда бой маънавий меросига таяниб давлат ва жамият қурилиши демократик кадриятларга асосланган, шахс ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатловчи кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Янги давлат тарихий эътириш замирида иқтисодийнинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, қонун устуворлиги, давлатга бош ислохотчи ро-

лини юклаш, кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва тартибдан амалга ошириш каби тамойиллар муҳасса бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси демократик, суд-ҳуқуқ ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришда жиҳдий туртки бўлди. Давлат ҳокимияти ва бош-

қарувини янада демократлаштиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий вазифаларни муваффақиятли ечиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу тўзатишлар марказда ҳамда жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Ундан, айниқса, демократик ислохотларни чуқурлашти-

ришга йўналтирилган янги нормалар ўрин олгани диққатга сазовордир. Чунки, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ҳамда муҳокама қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари доирасига киритилгани, Бош вазир лавозимига номзод қўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик тартиби жорий қилингани ҳамда Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқининг Олий Мажлисга тақдим этилиши ана шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

Тухфа

Мамлакатимизда Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини муносиб қутиб олишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳам энг улуг, энг азиз байрамимизга халқимиз учун ажойиб тухфа ҳозирлади.



Ижтимоий иншоотлар аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутуди

Жумладан, яқинда Федерация саъй-ҳаракати билан Самарқанд шаҳрида “Ёш туристлар” меҳмонхонаси барпо этилди. Мазкур меҳмонхона фаолиятини йўлга қўйишдан кўзланган мақсад мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга касбаба уюшмаларининг муносиб ҳиссасини қўшиш, шунингдек, сийхатгоҳларга хорижлик дам олувчиларни жалб этган ҳолда тиббий туризмни ривожлантиришдир.

Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилган ушбу меҳмонхонада 3 миллиард 800 миллион сўмлик яқин қурилиш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Унда дам олувчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, шаҳар ва шаҳарлараро сўзлашув, интернет тизими, спорт, соғломлаштириш заллари, ресторан ва VIP заллари меҳмонлар хизматида.

(Давоми 4-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси олдиндан

Қонунчиликни такомиллаштириш — давр талаби

Парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда ўтказилмоқда. Бу даврда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётгани, албатта, бизга гурур бағишлайди.

Жамият ҳаётининг бошқа соҳалари қатори авиация тизимини ривожлантириш, йўловчиларга қўлайликлар яратиш, тизимда хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил

бошида Президентимиз “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг йигирма йиллиги муносабати билан компания жамоасига йўллаган байрам табриғига Ўзбекистон фуқаро авиация-

си ўзининг йигирма йиллик фаолияти давомида замонавий авиакомпания сифатида тикланиш ва шаклланишининг улкан, мураккаб йўлини босиб ўтганини ҳамда бугунги кунда юртимизнинг кўплаб хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаётганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Учрашувда "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" жамоатчилик кенгаши раиси Гулнора Каримова, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхон, "Surxon Termiz Silk" хусусий корхонаси раҳбари Ойдин Шарофуддинова ва бошқалар иштирок этди. Ниҳоҳ тўйлар бўлиб ўтган ёшларнинг икки жуфти вилоятдаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари эди.

— Болаликдан Меҳрибонлик уйида ҳеч қандам кам бўлмайдиган вояга етдим, шу ерда таълим тарбия олиб, улгайдим, — дейди кўвё Учкун Қаршиев. — Лайло билан Меҳрибонлик уйида танишиб, турмуш қуришга аҳд қилдик. Бизнинг муваффақиятига қадам қўйишимиз учун барча шароитларни яратиб берган Президентимиздан миннатдоримиз. Жамиятимизда ибратли оила барпо этиб, келгусида фарзандларимизни ҳам Ватанга сadoқат, миллий қадриятларимизга ҳечқис зурмат руҳида тарбиялашга ҳаракат қиламиз.

Саховатли халқимизнинг инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, меҳмондўстлик каби юксак фазилатларини ўзида мужассам этган тўй якунида ниҳоҳланувчи йигит-қизлар ва суннат тўйлари бўлган болаларга тадбир ташкилотчилари, ҳомийлар ва лойиҳа муаллифининг қимматбахо совғалари топширилди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ.



Она замин ноз-неъматлари элимиз дастурхонига файзу барака киритмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Нималар сотиб олдингиз? — дея гапга соламыз харидорлардан бирини.

— 5 кило гўшт олдим, — дейди ўзини Қувондиқ Шакарлов деб таништираган киши. — Барака топишини, бизга шундай қулайлик яратиб берганларга раҳмат. Нархи арзон. Мол гўштнинг қилоси 12 минг сўмдан экан. Бошқа маҳсулотларнинг ҳам баҳоси кўнглидагидек.

Бозор маъмуриятининг айтишича, гўшт маҳсулотлари савдо-ярмарка орқали кунга ўртача 800-850 килограмм гўшт сотилапти. Ҳозирги кунга эса харидорларга 15,2 тонна мол гўшти, 12,5 тонна қўй гўшти, шунингдек, кўп миқдорда парранда гўшти тортиқ қилинди. Бунда Занги-

ота туманидаги "Ҳамдамов Каримжон" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб улуши бор. Чорвачиликка ихтисослаштирилган мазкур корхона томонидан салкам бир тонна мол гўшти етказиб берилгани, байрамга қадар эса яна шунча маҳсулот олиб келиниши кутилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Тошкентдаги бошқа бозорларда бўлган киши ҳам шундай тўқинлик, нарх-навоининг арзонлигига тўғриси бўлади. Бинобарин, байрам олди савдо-ярмаркасининг ташкил этилгани ҳам аҳолига янада қулайлик яратиб, савдо маданиятини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга кўмаклашаётган. Эътибор қилинг, шаҳар аҳолиси шу пайтгача Қорақалпоғистон Республикаси ва Вилоятлардан келтирилган жами 1483 тонна

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, жумладан, 221 тонна картошка, 272 тонна пиёз, 775 тонна сабзавот ва помидор, 201 тонна мева, 14 тонна гуруч ҳамда 17 турдаги бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан баҳраманд бўлди.

"Тошбозорсавдо" уюшмаси мутахассисларининг айтишича, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг савдо-ярмаркалари 10 сентябрдан давом этади. Бу мамлакатимизда одамларнинг турмуш даражасини юксалтириш, харид қобилиятини ошириш йўлида ишчи оила борилаётган ислохотларнинг мантқиқий давоми, уларга бўлган эътибор ва чексиз ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Саид РАҲМОНОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, мазкур орден билан фуқаролар қаторида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар, ҳарбий бўлинмалар, шу билан бирга, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам тақдирланиши мумкин.

Орден беш қиррали шаклда бўлиб, унинг

Мардлик ва ватанпарварлик тимсоли

марказида, оқ айлана билан ҳошияланган доирадан таралаётган нуллар фониди Жалолиддин Мангубердиннинг қабарик зарҳал тасвири жойлашган. Ушбу тарихий сиймо ортидаги фон эса мовий (ҳаворанг) эмаль билан қопланган.

Айни пайтга қадар Юртобшмиз Фармонига биоан, бир қатор ҳамюртларимиз мазкур орден билан мукофотландилар. Бундан ташқари, 2003 йилда Хоразм вилояти аждодларимизнинг тарихий ва маънавий аъёнларини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаётгани, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан ҳизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти — "Жалолиддин Мангубердин" ордени билан тақдирланди.

...Жуда ҳам қисқа — атиги ўттиз икки йил умр кўрган бўлса-да, юрт эрки ва озодлиги йўлида кўрсатган жасорати, ирода ва саботда тенгсиз шахсияти боис Жалолиддин Мангубердин номи тарих зарварлақрига мангу муҳрланди. Бу ном биз, авлодлар учун чинакам маънода фахр ва ғурур тимсолидир. Шубҳа йўқки, буюк саркарданинг Ватанимизга бўлган ёрқин муҳаббати ва садоқати барчамизни она-юртимизнинг бегубор осмони, осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган навқирон авлоднинг фаровон келажаги, бахту саодатини таъминлаш йўлида жонбозлик кўрсатишга ва ҳамиша ёрғи истиқболга интилиб яшашга ундайди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида авиаташувлар жараёнида қатнашувчи барча бўлинмалар бирлаштирилди, аэропортларни реконструкция қилиш, авиаташуви амалга оширишни замонавий, қулай, тежамкор самолётлар ҳисобига янгилаш, уларга хизмат кўрсатувчи сервис шохобчаларни ташкил этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида тизимли ишлар олиб борилди.

Мамлакатимизнинг барча аэропортлари модернизация қилинди, жаҳон андозаларига мос учиб ва кўниш майдонлари, йўловчилар перрони, аэродром каби объектлар ҳамда миллий ва замонавий меъморчилик аъёнларини ўзида мужассамлаштирган аэропортлар тармоғи барпо этилди.

Авиакомпаниямиз таркибиди Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган, сўнгги авлод Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш маркази фаолият юрита бошлади. Ундан 320 та ҳорижий авиакомпания ўз самолётларига аэроавиация хизмати кўрсатишда кенг фойдаланмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, замонавий ҳаво кемалари билан таъминланган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга оширмоқда, шунингдек, йилга қарий 75 минг транзит йўналишининг ҳаво ҳаракатларини бошқармоқда. Ўзбекистоннинг авиация соҳаси халқаро майдонда ўз ўрнига

эга бўлган ҳолда, дунёнинг кўплаб мамлакатларига учини амалга ошираётган.

Бу эса мамлакатимиз авиация соҳаси норматив-ҳуқуқий базасини,

аро ҳаво йўлларида транзит тўғрисидаги Битим (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь), Ҳаво кемаларига ҳуқуқларнинг халқаро тан олинishi тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1948 йил

Айни вақтда Ҳаво кодекси аэронавигация ва аэропорт йиғимларининг, чартер шартномасининг ҳамда йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар ва бериладиган имтиёзларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирадиган янги қисмлар билан тўлдириляпти.

Ҳаво кодексининг айрим моддалари янги таҳрирда берилмоқда. Бундан ташқари, Кодекснинг самовий ҳудудни таснифлаш, ҳаво кемасида олиндин жой банд қилиб қўйиш, ҳаво транспортининг ёки йўловчининг ташаббуси билан бекор қилиш, юқинг қабул қилувчи томонидан олинмаслиги ва кечикиб олиниши, ҳаво транспортда ташкилларнинг ахборот-реклама таъминоти, ҳаво транспортда ташкил ишларини таъминлаш хизматининг ташкил этилиши, ташувчининг умумий принциплари, ташувчининг юқинг буғлиги учун жавобгарлиги масалаларини тартибга соладиган моддалари қонундаги такомиллаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Қонуннинг амалиётга жорий этилиши парвозлар хавфсизлиги даражасини ва авиайўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилади.

Ю. ТУРСУНБАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофиа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси.

Барқарор тараққиёт — кенг қўламли ислохотлар самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида суд ҳокимиятини босқинча-босқин мустақамлаб бориш, инсон ҳўқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қиладиган суд органлари мустақиллигини таъминлаш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Юртимизда жорий этилган "Хабас корпус" институтининг мантқиқий давоми сифатида жиноят процессида мазкур институтнинг қўлланилиши кенгайтиришга хизмат қиладиган бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилинишини кўриш мумкин. Чўнончи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланган бўлиб, у судга қадар иш юритув босқинида қўлланидиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахси тиббий муассасага жойлаштириш тартибиди процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибин назарда тутди.

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳўқуқ ва эркинликларини янада тўлиқ рўйбга чиқариш мақсадида Мамлакатимизда демократик

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислохот қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш доирасида тақлиф этилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш устида ишчи фаолият амалга оширилмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Концепция асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қўнига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун сиёсий модернизация жараёнида тўбора мўҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш учун самарали ва зарур қадам бўлди. Ахборот соҳасини ислохот қилиш доирасида белгилаб берилган концептуал вазифаларни ҳал этишда рақамли телекоммуникациялар инфратузилмасини шакллантириш тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мўҳим аҳамиятга эгадир.

Самарали демократик сайловлар тизимини янада ривожлантириш соҳасида ҳам чуқур ислохотлар олиб борилаётгани барчамизга ғурур бағишлайди. Бугунги кунда ҳақиқий сиёсий плюрализмни кафолатлайдиган умумэтарий этилган демократик принциплар билан

ҳамоманг бир қатор янгиликларни назарда тутадиган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилиниб, уни янада такомиллаштириш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги демократик ўзгартишлар партиялар ўртасида сиёсий рақобат механизмларини такомиллаштириш талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги рақобатнинг ўзига хослиги шундаки, у шаклан ўта қаттиқ бўлиб, мазмунан қабул қилинаётган қонунлар сифатининг, парламент ролининг ошиши ҳамда унинг мамлакатда кенаятган ижтимоий-сиёсий жараёндаги таъсир кўрсатиш даражаси бўлади. Сиёсий партиялар аҳоли ишончини қозониш, айни чоғда қонунчилик ва вақиллик органларида кўп ўрилари қўлга киритиш мақсадида иш олиб боради. Ўз навбатида, улар сайловолди кампанияси чоғида эълон қилган дастурини ҳаётга босқинча қўриб қўлади. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида самарали иштирок этишига кенг шароит яратди.

Масалан, 2009 йилда мамлакат парламентга бўлиб ўтган навбатдаги сайловларда

да ташки шартномасини ташувчининг ёки йўловчининг ташаббуси билан бекор қилиш, юқинг қабул қилувчи томонидан олинмаслиги ва кечикиб олиниши, ҳаво транспортда ташкилларнинг ахборот-реклама таъминоти, ҳаво транспортда ташкил ишларини таъминлаш хизматининг ташкил этилиши, ташувчининг умумий принциплари, ташувчининг юқинг буғлиги учун жавобгарлиги масалаларини тартибга соладиган моддалари қонундаги такомиллаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Қонуннинг амалиётга жорий этилиши парвозлар хавфсизлиги даражасини ва авиайўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилади.

Ю. ТУРСУНБАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофиа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси.

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бухоро

Бухоро шаҳридаги марказий истироҳат боғида аънавий қовун сайли бўлиб ўтди. Унда воҳа деҳқонлари ўзлари етиштирган полиз маҳсулотларини кўргазмага қўйдилар.

Бухорода қовун сайли

Тадбирга нафақат бухороликлар, балки қадимий шаҳарни томоша қилгани келган кўплаб чет эллик сайёҳлар ҳам ташриф буюришди.

— Юртингизда биринчи бор бўлишим, — дейди ўзини Шоно Роберто дея таништирган италиялик сайёҳ. — Менга миллий урф-одатларингиз, аънаваларингиз жуда ёқди. Ўзбекистонни серқўйш замин, дейишганича бор экан. Қовун сайли мени лол қолдирди. Қовунлар асалдек ширин.

Хорижлик меҳмоннинг эътирофида жон бор. Шундай сайил илк бор вилоятда бундан ўн олти йил олдин ўтказилган ва ўшанда қовуннинг атиги ўн та нави намойиш этилганди. Эндилдида эса улар сони етмишга етди. Бу полизчиликка бўлган эътиборнинг ошгани, селекция ишлари оқилона йўлга қўйилгани, деҳқонларнинг манфаатдорлиги ортгани натижасидир.

Қовун сайлида энг фаол қатнашган, полизчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган фермер ва деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навоий

Қизилтепа туманидаги "Бўлакработ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги сув тақсимлаш иншооти реконструкция қилиниб, 15,4 километрик қувурлар тортилди.

Кредит — фаровонликка хизмат қилади

Бунинг учун Осиё тараққиёт банкнинг қарийб 2 миллиард сўмлик маблағи ўзлаштирилди.

Туманда жорий йил якунига қадар мазкур банкнинг 5,4 миллиард

сўмлик имтиёзли кредити эвазига умумий узунлиги 44 километрик ичимлик суви қувурлари ётқизиш режалаштирилган.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё

Қарши локомотив депосига 2010/2011 йилларда "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси томонидан модернизация қилинган уч ва тўрт секцияли "UZ TE16M" русумли 7 та янги тепловоз келтирилган эди.

Темир йўлда — янги тепловозлар

Жорий йилнинг биринчи ярмида эса яна тўққизта худди шундай темир йўл транспорти воситаси олиб келинди. Пировардида бу ерда юк ташви қуввати 1,2 бараварга, тезлиги эса 14 фоизга ошди. Шунингдек, ёниги сарфи 17 фоизга камайди. Бундан ташқари, мойлаш материалларини ҳам 87 фоизгача тежаш имконияти яратилди.

Бу каби янгилаштириш хисобига "Тошгузар — Бойсун — Қўмқўрган" темир йўли йўналишида жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллиард 920 миллион тонна-километр юк манзилига етказилди.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё

Паррандачилик — сирдаромад соҳа. Буни яқини англаган "Гулистон Юлдуз парранда" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Комилжон Маматқулов яна бир лойиҳани рўйбга чиқарди.

Замонавий паррандачилик мажмуаси

Яъни тадбиркор ўзининг 400 миллион сўмлик маблағи ҳисобидан паррандачилик мажмуасини ишга туширди. Ҳозир бу ерда 18 мингта зотли товуқ парвариш қилинмоқда. Эътиборлиси, 25 киши доимий иш билан таъминланган мажмуада кўнига 10 минг донна ту-

хум етиштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган.

Шуниси диққатга sazovorки, ўтган олти ой давомида Гулистон туманида 5 та шундай паррандачилик ҳўжалиги ташкил этилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Илгари валюта ҳисобига четдан келтирилган маҳсулотларнинг аксарияти бугун маҳаллий ишбилармонларимиз савий-ҳуқуқати билан ўзимизда тайёрланапти.

Кичкинтойлар қувончи

Хусусан, Зангиота туманида "Tashkent oriental Dragon industry Trade" хорижий корхонаси томонидан болалар аравачалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Худудий инвестиция дастуридан ўрин олган мазкур лойиҳа тўғридан-тўғри киритилган хорж сармоиси ҳисобидан молиялаштирилди. Корхона жамоаси ички бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, кичкинтойларга дастлабки 6 минг донна аравачани тахт қилиб қўйди.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда маҳаллийлаштириш дастури доирасида 19,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Пировардида 8,4 миллион АҚШ долларилек валюта тежалди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дилбар ХОЛИКОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты.

*Корея миллий нефть
корпорацияси
Ўзбекистон халқини
Мустақилликнинг 21 йиллиги
билан ён дилдан табриклайди!*



*It is a great honor
for Korea National Oil Corporation
to congratulate the people of Uzbekistan
with the 21th Anniversary
of the Independence Day!*



KAPITALBANK

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ


«КАПИТАЛБАНК»
жамоаси кўп миллатли Ўзбекистон халқини, ўз мижозлари,
ҳамкасблари ҳамда ҳамкорларини энг улуг ва энг азиз байрам —

Мустақиллик куни

билан самимий муборакбод этади!

Ушбу умумхалқ байрамида барчага мустаҳкам соғлиқ,
фаровон ҳаёт, оилавий бахт, юртимизнинг
гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларида
улкан зафарлар тилайди.

Айёмингиз муборак бўлсин,
азиз юртошлар!



«Олмалиқ кон-металлургия комбинати»

очик акциядорлик жамиятининг
кўп миллатли меҳнат жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини энг улуг ва энг азиз байрам —

**Мустақиллигимизнинг
21 йиллик**

шонли санаси билан самимий қўтлайди!

*Кун сайин кўркамлашиб,
чирой очиб, жаҳон саҳнида ўзининг муносиб
мавқеига эга бўлиб бораётган Ўзбекистонимиз
янада гуллаб-яшнайверсин!*

*Юртимизнинг фаровон эртаси учун
камарбаста бўлаётган, фидойи ҳар бир ватандошимизга
сиҳат-саломатлик, хонадонига файзу барака, ўқиш ва ишларида
муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз!*





Ижтимоий иншоотлар

аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди

(Давоми. Бошланғич 1-бета).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Мустақиллик байрами арафасида қасба уюшмалари томонидан яна бир қатор иншоотларнинг қурилиши ва реконструкцияси ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, Наманган вилоятидаги "Косонсой" санаторийида тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида катта ҳажмдаги қурилиш-реконструкция ишлари рўйга чиқарилди. Санаторийда 220 ўринли ётоқхона ҳамда 300 ўринли замонавий ошхона биноси мукамал таъмирланди.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Мустақам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида ҳам муайян чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятидаги "Умид гулшани" санаторийи ана шу мақсадда капитал реконструкция қилинди. Ушбу масканда оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2 миллиард 407 миллион сўм ўзлаштирилди. Натижада санаторий сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятидаги "Қашқадарё соҳили" санаторийида реконструкция ишларини амалга ошириш учун 745 миллион сўм сарфланди. Ушбу маблага жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган 30 ўринли замонавий ётоқ бўлими барпо этилди. Шунингдек, пойтахтимиздаги "Турон" санаторийида сув билан да-

волаш бўлими ҳамда маъданли сув билан таъминланган сузиш ҳавзаси, "Бўстон" сийҳатгоҳида эса барча қулайликларга эга оилавий коттежлар қурилди.

Мухтасар айтганда, улуг айём арафасида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, тақдиримиз, бахтимиз бўлган эркин ва обод Ватанимизни янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва шу орқали уларнинг юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлашга қаратилгани билан эътиборлидир. Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш эса, табиийки, қасба уюшмалари тизимида фаолият юритаётган соҳа вакилларининг мақсад-муддаосидир.

Ўзбекистон Қасба уюшмалари Федерацияси кенгаши Матбуот хизмати.

Наманган томонларда

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида "Мустақам оила йили" Давлат дастури доирасида "Маҳалла куни" тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Илғор тажрибалар мактаби

Вилоят марказидаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган "Маҳалла куни" да Наманган шаҳридаги мавжуд 82 та маҳалланинг ўзига хос хунармандчилик кўргазмалари уюштирилди. Халқ истеъмол моллари савдоси, номоддий, маданий мерослар намоийши тадбирга ўзгача мазмун бағишлади. Фуқаролар йиғинлари серқирра фаолиятининг кўригига айланган тадбир ниҳоясида энг илғор маҳаллаларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Кўп тармоқли шифохона

Учқўрғон шаҳрида замонавий қулайликларга эга яна бир тиббий марказ фаолият кўрсата бошлади.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида "Исмузам медсервис" масъулияти чекланган жамияти таъсисчилигида фойдаланишга топширилган мазкур кўп тармоқли шифо масканида кардиология, ички касалликлар, урология, гинекология ва стоматология бўлимлари фаолият юритмоқда. Улар хорижда ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги тиббий воситалар билан жиҳозланган бўлиб, 40 нафар беморни стационар, 50 кишини амбулатор шайроғида даволаш имкониятига эга.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

«ТРАСТБАНК»
хусусий очик акциядорлик биржа банки жамоаси

барча
юртдошларимизни
мамлакатимиз
Мустақиллигининг
21 йиллиги
билан самимий
муборакбод этади!

Шундай айёмлар ярашган халқимизга
мустақам соғлиқ, оилавий бахт
тилаб қоламиз!

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қувасой шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Кува тумани судининг 2012 йил 27 февралдаги 1-17/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Иккон ЛТД» х/фага тегишли, Қувасой шаҳри, Исфайрам кўчаси, 11-уйда жойлашган арматура ишлаб чиқариш технологик линияси тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 880 750 466 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 14 сентябрь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган мулк билан туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар:

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фаргона шаҳри, Бурхониддин Марғиний кўчаси, 35-уй.
Телефон: (8-373) 224-68-70. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1866/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тонг 2-тор кўчаси, 27-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майdonи 600 кв.м. бўлган, 6 та яшаш хонасидан иборат уй тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 185 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 14 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд

ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 12 сентябрь кунини соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Фаргона вилояти филиали қўйидагиларни маълум қилади!

Фаргона шаҳар СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 9 августдаги 156 (5576)-сонда чоп этилган хабарнома билан «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фаргона вилояти филиали аукцион савдосига чиқарилган, Фаргона шаҳри, Аҳмад Яссавий кўчаси, 12-уйда жойлашган «Умид» ишлаб чиқариш корхонасига тегишли бино-иншоотларнинг аукцион савдоси тўхтатилди.

Асос: Суд департаментининг Фаргона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 16 августдаги 4601/2-сонли хати.
Телефон: (8-373) 224-68-70.
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Лицензия RR-0001.
Манзил: Фаргона шаҳри, Бурхониддин Марғиний кўчаси, 35-уй.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Ботаника ва микробиология кафедрасининг профессори Абдурахмон ЭРГАШЕВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.	«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси тахририят ходими Мамлакат Аҳмедовага укаси Орифжон АЛИЕВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
---	---

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Тери-таносил ва болалар тери-таносил касалликлари кафедраси профессори Мирсалом Абдуллаева фарзанди **Миржовхар АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Mustaqillik bayrami muborak bo'lsin!

Infin BANK

Sizni O'zbekiston Respublikasi Mustaqilligining 21 yilligi bilan chin ko'ngildan qutlaymiz!

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ **Қашқадарё вилояти филиали**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- ЖИБ Гузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани, Собир Раҳимов кўчасида жойлашган, умумий ер майdonи 3227,0 кв.м., қурилиш майdonи 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 370 535 000 сўм.
- ЖИБ Гузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани, Навоий кўчасида жойлашган, 1985 йилда қурилган, умумий ер майdonи 4800,0 кв.м., қурилиш майdonи 300,99 кв.м. бўлган маъмурий бино қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 50 725 000 сўм.
- ЖИБ Гузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани, «Кайнар» ҚФЙ, Кайнар қишлоғида жойлашган, умумий ер майdonи 1554,90 кв.м. бўлган, «Минг Чинор» урмон ҳўжалиги ҳудудидаги дала-ховли қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 69 568 000 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотeka-банк»и Қашқадарё филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58.
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001

Халқ сўзи
Народное слово

Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 65 962 нусхалда босилган, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишидан нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Ташрифта келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бурунов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 20.50 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5